O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 4-oktabr • Shanba • 122 (27.927) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини ошириш ва Ватанимиз нуфузини янада юксалтиришга қаратилган.

ИСЛОҲОТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аграр соҳадаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун 3 октябрь куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Юртимизнинг барча ҳудудлари қатори Хоразм вилоятида ҳам деҳқончилик сир-синоатини чуқур биладиган, тупроққа бир қарашдаёқ бўлажак ҳосилнинг чўғини аниқлаб берадиган миришкор деҳқонлар жуда кўп. Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қулоч ёйган фермерлик ҳаракати истиқлолнинг дастлабки йилларида биринчилардан бўлиб ушбу вилоятда бошланган эди. Ўтган йиллар самаралари шуни кўрсатдики, фермерлик ҳаракати барча вилоятлар каби хоразмликларнинг ҳам ютуқларига ютуқ қўшди.

Жорий йилдаги сув тақчиллиги билан боғлиқ қийинчиликлар Хоразм вилоятини ҳам четлаб ўтмади. Шундай бўлса-да, вилоят миришкорлари, жонкуяр фермерлар саъй-ҳаракати туфайли пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилди.

Президентимиз Боғот туманидаги «Боғот» фермер хўжалигида бўлиб, дала ишлари билан танишди. Шийпонда илғор фермерлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, вилоят ва туман жамоатчилиги вакиллари билан учрашди.

Ислом Каримов дунёнинг айрим минтақаларидаги сиёсий ва иқтисодий инқирозлар одамлар учун ташвиш туғдираётган бугунги шароитда мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик кишиларимизни бунёдкорликка, эзгу ишларга руҳлантираётганини алоҳида таъкидлади.

— Истиқлол йилларида Ватанимиз келажагини, халқимизнинг бахтини ўйлаш, шу йўлда меҳнат қилиш ҳар бир юртдошимиз ҳаётининг маъно-мазмунига айланди, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, Гурлан туманидаги 5-мактаб директори Анора Маҳмудова. — Янги ўқув йили арафасида вилоятимизда битта янги мактаб қурилди, 95 мактаб қайта реконструкция қилинди. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ фарзандларимиз жаҳон андозаларига мос тарзда таълим ва тарбия олиши йўлида нечоғли улкан ишлар қилинаётганидан далолат бериб турибди.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Кончилик ускуналари — Mining World Uzbekistan — 2008», «Кимё, пластмасса, резина — ChemPlastAsia Uzbekistan — 2008», «Саноат учун қадоқлаш воситалари, идишлар ва ёрлиқлар — PromUpak Uzbekistan — 2008» ҳамда «Машинасозлик — Machinery Central Asia — 2008» Халқаро Ўзбекистон ихтисослашган кўргазмалари бугун ўз ишини якунлайди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ САНОАТ ҲАФТАЛИГИ

Марказий Осиё саноат ҳафталиги номини олган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Иқтисодиёт ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат» ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниялари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Хитой, Германия, Италия, Корея Республикаси, Швеция, Финляндия, Индонезия, Украина, Туркия каби мамлакатлардан олтмишдан зиёд фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этмоқда. Улар орасида «Шўртангазкимё» мажмуи, «Micros Engineering», «Polimer group Asia», «Mashimport», «Винлад» (Ўзбекистон), «Atlas Copco», «Rescona Group» (Қозоғистон), «Rudmash Export», «Автомаркет майнинг», «Волгабурмаш», «Полигак Трейд» (Россия), «Guangdong Liansu Machinery Manufacturing», «King Quenson Industry», «Trustchem» (Хитой), «Rolandtecnic» (Германия), «Bielloni Castello», «Garioni Naval» (Италия), «Sandvik Mining and Construction» (Финляндия), «Ариста», «Крымский Титан» (Украина) сингари йирик компаниялар бор.

Ушбу кўргазмалар мамлакатимизга хориж сармоясини кенг жалб этиш ва саноатнинг етакчи тармоқлари, хусусан, кончилик ва металлургия, қадоқлаш ҳамда машинасозлик соҳаларини янада ривожлантиришга чет эллик шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишга, соҳага оид талаб ва таклифларни ўрганиш ҳамда товар айирбошлашни кенгайтиришга хизмат қилади.

Мафтуна МИНГБОЕВА



Суратларда: *кўргазма фаолиятидан лавҳалар.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс 5-7 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

✓ Муносабат

МАҚСАД ВА ҲАРАКАТ МУШТАРАКЛИГИ

Истиқлол йилларида фермер хўжаликларининг жорий этилиши нафақат қишлоқ хўжалиги тармоғида, балки мамлакатимизнинг кенг қамровли ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида асосий омилга айланди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда фермер хўжалигига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилоятида муҳтарам Юртбошимиз фермерлик ҳаракати билан боғлиқ ютуқларга, уларни янада ривожлантириш масалаларига, мавжуд муаммоларнинг бартараф этилишига доир йўл-йўриқлар кўрсатиши замирида ҳам катта мақсадлар ётибди. Фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйганидан, дейлик, мамлакатимизда ҳозирги кунда 220 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётганидан, уларда қарийб 1,4 миллион киши меҳнат билан бандлигидан келиб чиқилса, ана шу саъй-ҳаракатларнинг нақадар муҳим, ҳатто кишиларимиз ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши маълум бўлади.

2-бет

✓ Шукрона

ЮРАКДАН ЧИҚҚАН СЎЗ

Президентимиз Фармони билан касб байрамимиз арафасида «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» юксак унвонига сазовор бўлганимни эшитиб, кўзларимга ёш келди. Бу хабарни, энг аввало, 92 ёшли кекса онамга етказишга ошиқдим.

Айниқса, ўқитувчи фарзанди бўлганим учун бундай шарафли унвонга лойиқ кўрилганим ниҳоятда қадрли бўлди. Ҳа, отам раҳматлик Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Раҳмат Азларов таълим соҳасида 42 йил давомида фаолият кўрсатганлар. Турмуш ўртоғим Хуршида Азларова кимё ўқитувчиси, иккита ўғлим ва келинларим, қизим ҳам шу касбни танлаганлар. Мендай оддий ўқитувчининг меҳнати бу қадар юксак баҳоланган, юртимизда устозлар меҳнати ниҳоятда қадрланаётган шу қутлуғ кунларда дил сўзларимни айтгим келди.

Менга кўрсатилган ғамхўрлик, биздай ўқитувчилар оиласини ёш авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли ва шарафли ишда янада янгиликларга интилувчан, изланувчан, фидойироқ бўлишга, янада ғайрат билан ишлашга ундайди. Шукрки, Ватанимиз тараққиётида ёш авлод таълим-тарбияси жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги истиқлол йилларида ўз тасдиғини топди. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги фикримизнинг далилидир. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури мактаб таълими мазмунини жаҳон андозалари даражасига етказиш учун хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида ўқитувчи касби нуфузини оширишга қаратилган тадбирлар тизими изчил амалга оширилмоқда. Ўқитувчи меҳнатини рағбатлантириш ҳамда ҳақ тўлашнинг янги тизимига ўтиш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, ахборот коммуникация технологиялари воситалари ва жиҳозлар билан таъминлаш каби хайрли ишлар ана шу йўлдаги саъй-ҳаракатлардир ва улар ўз самарасини бермоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўлланган табрикларини эшитиб, жуда таъсирландим. Юртбошимиз, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканимизни фарзандларимизга етказиш, уларни аждодларимиз қолдирган улуғ ва бетакрор мероснинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш энг муҳим ва долзарб масала эканини яна бир бор таъкидладилар. Айниқса, табрикдаги **«Ана шундай муҳим тушунчаларни биз интилаётган эркин ва фаровон, обод ҳаётни бунёд этишга қодир бўлган янги авлоднинг онгига сингдириш, уларни бугунги юксак тараққиёт чўққиларини эгаллашга даъват этиш, умидимиз ва ишончимиз бўлмиш ўғил-қизларимизни ҳар қандай бало-қазо ва хавф-хатарлардан асраш ва ҳимоя қилиш биз учун энг ўткир, ҳал қилувчи масала бўлиб қолаётганини унутмаслигингизни истардим»,** деган сўзларни ишимизда дастуриламал қилиб олишимиз лозим деб ўйлайман.

Турғун АЗЛАРОВ,
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фани ўқитувчиси.

✓ Янги рукн

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Партиянинг электорат билан бевосита ишлайдиган, энг муҳим таянч бўғини — бу бошланғич ташкилотларидир. Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партиясида 10 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар фаолият юритмоқда. Партиянинг ушбу қуйи бўғини асосан нималар билан шуғулланмоқда? Улар партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ифода этишни қай даражада уддалаяпти?

Газетамиз саҳифаларида ушбу янги рукн остида мунтазам равишда чоп этиладиган мақолалардан бу саволларга жавоб топишингиз мумкин. Қуйида Фарғона вилоятидаги ЎзХДП бошланғич ташкилотларидан бири ҳақида ҳикоя қилинади.

3-бет

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

когонлик юзга яқин ёшлар муқим иш жойларига эга бўлишди

Вилоятда «Когоншифер» масъулияти чекланган жамият корхонаси ҳам ишга тушди. У йилига 2 миллион дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга. Келгусида «Когоншифер» тамғаси босилган маҳсулотларнинг бир қисмини Қозоғистон, Россия ва Туркманистон давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилган. Муҳими, когонлик юзга яқин ёшлар корхонада муқим иш жойлари билан таъминландилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ

Бухоро вилоятида жойлашган Газли конида янги сиқув-компрессор станцияси бунёд этилди. Бу «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг турдош корхоналарни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга йўналтирилган муҳим лойиҳаларидан бири эди. Лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоблари «ЎзЛИТИнефтгаз» лойиҳалаш институти томонидан тайёрланди.

Ўзига хос мазкур мураккаб қурилишнинг бош пудратчиси Қашқадарё вилоятида ташкил этилган «Кўқдумалоқ-Газ» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси бўлди. Станцияга қиймати 94,5 миллион долларга тенг энг замонавий хорижий ускуналар ўрнатилди. Улар тез орада бу ерда бир кеча-кундузда 26 миллион кубометргача газни ҳайдаш имконини беради.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУГУНГИ СОНДА:

• МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ
ёшлар учун имкон эшикларини очмоқда — 2

• МЕН КЎЗЛАГАН МАҚСАД
ва ўйлаб юрган фикрларим Ўзбекистон ХДП Дастурида акс этган, — дейди Тошлоқ тумани «Бирлик» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори Шаҳноза Усмонова — 3

• АЁҚШДАГИ ЯШИРИН ЦЕХ
ёки қўлбола ёғ тайёрловчилар ва ҳужжатсиз ун сотаётганлар хусусида — 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ИСЛОҲОТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 июлда имзоланган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига биноан вилоятдаги мавжуд 15 мусиқа мактабининг еттитаси тубдан қайта қурилиб, саккизтаси эса таъмирланади.

— Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қилаётган ишларимиз ёш авлод истиқболи йўлидаги навбатдаги муҳим қадамларимиздандир, — деди Ислом Каримов. — Мусиқани севадиган одам эркин, инсонпарвар, бунёдкор бўлади. Хоразмликлар ана шундай санъатга ошуфта кишилардир.

Юртбошимиз вилоятда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйганига эътибор қаратиб, бу борадаги ўзгаришларнинг навбатдаги босқичи ҳақида тўхталди. Мамлакатимиз бўйлаб фермерлик ҳаракатини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш жараёни давом этмоқда. Ҳозирги кунда йирик фермер хўжаликлари ишни самарали ташкил этиш эвазига мўл ҳосил олиб, мўмай даромад топмоқда. Бу ўз навбатида уларнинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Улар зарур техникани харид қилиш, етарлича ишчи кучини жалб этиш, агротехника тадбирларини тўлиқ бажариш, тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб бориш имконини бермоқда. Кичик фермер хўжаликларида эса бундай имкониятлар чекланган.

— Хоразмда ҳам фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалигининг энг мақбул ва самарали тизими сифатида ўзини намоён этди. Фермерлик туфайли аграр соҳанинг ночор аҳволи барҳам топди, — деди Ислом Каримов. — Шундай экан, бу ҳаракатнинг навбатдаги муҳим босқичини амалга оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айрим кичик фермер хўжаликларини бирлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги тизимида иш юритиш маданиятини оширишга, фермерлар имкониятини кенгайтиришга, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг вилоят фаоллари билан учрашувида ана шулар ҳақида гап борди. Айни вақтда вилоят далаларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини вақтида йиғиб-териб олиш зарурлигига эътибор қаратилди. Зеро, даладаги ҳосил халқимизнинг, хусусан, қишлоқ аҳолисининг ризқ-насибаси, турмуш фаровонлигининг муҳим иқтисодий омили. Шу боис уни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар самарали бўлишида меҳнаткаш ва фидойи халқимизнинг келажакка ишончи, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик асосий омил бўлмоқда. Ана шу тинчлик-осойишталикни таъминлашда Қуролли Кучларимизнинг ўрни катта. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлигини, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан яхши таъминланган, ихчам ва тезкор Қуролли Кучлар барпо этилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан 2007 йилнинг сентябрь ойида Урганч шаҳрида очилган Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинларининг Сержантлар тайёрлаш мактабида жанговар тайёргарлик, компьютер технологиялари, гуманитар фанлар ва хорижий тиллар бўйича сабоқ берилади. Курсантлар нафақат назарий, балки жанговар маҳоратини оширишлари учун ҳам етарли шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, ўқув-дала маркази, панорамали компьютерлаштирилган ўқув-спорт тренажёр заллари, замонавий кутубхона айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари бу ерда бўлиб, курсантлар учун етарлича шарт-шароит яратиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берган эди. Мактаб ҳудудида ошхона, курсантлар ётоқхонаси барпо этилди. Ётоқхоналар икки кишига мўлжаллангани, қулай ва замонавий жиҳозлангани билан эътиборга моликдир.

Президентимиз Сержантлар тайёрлаш мактаби фаолиятини янада такомиллаштириш, курсантлар ва офицерларнинг яшаш ҳамда хизмат қилиши учун яратилган шароитни муттасил яхшилаб бориш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини ошириш ва Ватанимиз нуфузини янада юксалтиришга қаратилган. Бугунги кунда бундай янгиланишлар самараларидан бутун халқимиз, жумладан, Хоразм аҳли ҳам баҳраманд бўлаётгани қувонарлидир.

Гулом МИРЗО,
Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

МАҚСАД ВА ҲАРАКАТ МУШТАРАКЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, республикамизда айни фермерларнинг самарали меҳнати натижасида, йилдан-йилга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ўсмоқда. 2008 йилнинг ярим йиллигида 2007 йилнинг шу даврига нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 5,4 фоизга ўсди. 2007 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг қарийб 90 фоиз ва бошоқли дон экинларининг қарийб 80 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Ҳеч шубҳасиз, ушбу кўрсаткичлар ҳам фермер хўжаликлари амалда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига ва уни барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминловчи асосий кучга айланганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг бундай сафар чоғларида оддий дала меҳнаткашлари билан яқиндан мулоқотга киришишлари, биринчидан, мавжуд муаммоларни яқиндан ва бевосита ўрганиш имконини берса, иккинчидан, бундай мулоқотлар азиз миришкорларимизга далда бўлади, уларни янада ғайрат билан меҳнат қилишга ундайди. Президентимизнинг ҳар қандай катта-кичик мулоқотда масала моҳиятига теран ёндашиши, ҳаётий хулосалар чиқариши, зарур таклиф ва тавсиялар бериши Тошкент вилояти учрашувларида ҳам истисно бўлмади.

Мамлакатимизнинг иқтисодиётида эришилган ва эришилаётган ушбу ютуқлар замирида, шубҳасиз, муҳтарам Юртбошимиз томонидан чуқур ўйланган ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ётганлиги барчага аён. Президент томонидан имзоланган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор (2008 йил 21 апрель) мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиққан бўлса, «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2007 йил 29 октябрь) ҳамда «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2007 йил 5 ноябрь) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги вазифаларни белгилаб берилишини, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди.

Президент жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент вилоятига қилган сафари чоғида қишлоқда амалга оширилаётган барча ислоҳотлардан, пировард натижада, аҳоли фаровонлигини юксалтиришдек, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ҳар қачонгидан-да яхшилашдек улкан ва эзгу мақсад ётганини алоҳида таъкидлади.

Улуғбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари, Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси.

✓ ЎзХДП ҳамкорлигида

Мамлакатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурида аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлиқ бандлигига эришиш учун ҳаракат қилиш Ўзбекистон ХДП Дастурида белгиланган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида партия ташкилотлари томонидан турли тадбирлар уюштирилмоқда. Учтепа тумани ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш маркази, ЎзХДП туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси шулардан биридир.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ

ЁШЛАР УЧУН ИМКОН ЭШИКЛАРИНИ ОЧМОҚДА

— Ярмарканинг мақсади партиямиз электорати учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ишга жойлашиш учун келганларнинг аксарияти бизнинг электоратимиздир, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Маҳмуд Ёқубов. — Бу йил иккинчи маротаба ўтказилаётган бу тадбир нафақат ёшлар, балки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — ногиронлар, кўп болали оилалар учун ҳам айни муддао бўлди. ХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига турли саволлар билан, айниқса, иш сўраб мурожаат қилувчилар кўп. Биз ушбу тадбирни айнан уларнинг талаблари асосида ўтказаяпмиз.

Эрталабдан ярмаркага ташриф буюрувчилар кўп бўлди. Келганларнинг кўзларида умид ва қувонч порламоқда. Чунки кимдир ўз соҳаси бўйича иш топган, яна кимдир бошқа йўналишда қобилиятини синаб кўрмоқчи, бошқа биров эса янада кўпроқ маош олиш имкони борлигидан хурсанд. Ўзига муносиб иш топган бўлса керак, севинчи шундоқ юз-кўзидан билиниб турган қизни суҳбатга тортдик.

— Бу тадбирга келишимдан мақсад — ўз келажагим учун пойдевор яратиш, танлаган касбим бўйича муносиб иш топиб, ўз билим ва қобилиятимни амалда синаб кўришдир, — дейди Республика дизайн коллежи битирувчиси Нулуфар Шаропова. — Бу ерда мен орзу қилган жуда кўп бўш иш ўринлари таклиф этилаётган экан. Дугонам Нодира билан Шайхонтоҳур текстил бичиш-тикиш корхонасини маъқул топдик.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

Мурожаат қилувчилар кўп, уларнинг барчасига муносиб иш топиладими? Бу саволга жавобан Бандликка кўмаклашиш маркази бош мутахассиси Санифа Ҳожихонова қуйидагиларни айтди:

— Тадбирда 71 та корхона ва ташкилот ўз бўш иш ўринлари билан иштирок этмоқда. Бизда 905 та бўш жойлар ҳақида маълумот бор. Улар истовчиларга тақдим этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун ҳам 30 га яқин махсус иш ўрни тавсия этиляпти.

— Табиийки, мактаб, коллеж, лицейларни битирган ёшларнинг барчаси ҳам олий таълим муассасасига кира олмайди, — дея суҳбатга қўшилади Ўзбекистон ХДП туман кенгаши раиси ўринбосари Дилором Иброҳимова. — Демак, қолганлар ўзларига муносиб иш топиши керак. Қолаверса, бу тадбирга маҳалла оқсоқоллари ва аҳоли вакилларини ҳам таклиф этганмиз.

Жамоатчилик қабулхонасига 280 та фуқаро иш сўраб мурожаат қилган эди. Уларнинг кўпчилиги корхоналар билан шу ернинг ўзида шартнома тузишди...

Битирувчилардан ташқари, маҳаллалардан ташриф буюрганлар ҳам тадбирда фаол қатнашдилар. Ўз маҳалладошларининг кўтаринки кайфиятини кўриб шодланган «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Сайёра Салимованинг фикрлари билан қизиқдик.

— Маҳалламизда истиқомат қилаётган вақтинча ишсиз фуқароларнинг бу тадбирга келиб, маъқул иш, корхоналар ҳақида ахборот олишгани, қолаверса, керакли йўлланмаларни қўлга киритгани барчамизни мамнун қилди, — дейди у. — Бу ерга маҳалламиздан иш билан банд бўлмаган 17 нафар фуқаро келган эди. Мана, улардан 8 таси иш ўринларига эга бўлишди.

Тадбирда «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг «Пойтахт суғурта» суғурта агентлиги, «12-Трест» ДАЖ қурилиш компанияси, «Чевар» корхонаси, «Байпак қурилиш» хорижий корхонаси, Шайхонтоҳур текстил бичиш-тикиш корхонаси ва бошқа ташкилотлар бўш иш ўринларини қатнашчиларга тақдим этишди. Уларнинг ҳар бири мурожаат қилувчиларга ўз жамоаси иш жараёни, маош ва ходимларга яратилган шароитлар, қўйиладиган талаблар тўғрисида батафсил маълумот беришди. «Ўзагросуғурта» суғурта агентлигининг кадрлар бўлими бошлиғи Наргиза Равшанованинг айтишича, ушбу агентликда талабалар учун махсус имтиёз бўлиб, дарсдан сўнг улар шартнома асосида суғурта агенти бўлиб ишлашлари мумкин.

Ўзларига маъқул иш топа олмаганлар ёки бошқа соҳага қизиқувчилар Бандликка кўмаклашиш маркази қошидаги ўқув курсига йўлланмалар олишди. Ўқув курси бош мутахассиси Замира Мирзаеванинг маълумот беришича, курсларда 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган фуқаролар иш ўрганишлари, ўз меҳнат фаолияти йўналишларини ўзгартиришлари мумкин. Ўқув курсида ҳозирда 32 та йўналиш мавжуд.

Тадбирдан барча хурсанд эканини кўриш қийин эмас эди. Фуқаролар ўзларига муносиб иш топгани, иш берувчилар вакант лавозимларни тўлдиргани, ташкилотчилар эса ўз олдига қўйган мақсадларига эришганларидан мамнун.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ – ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда 2-3 октябрь кунлари «Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш — жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Унда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган нодавлат ноҳукумат ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ва Европа Иттифоқининг қатор давлатларидан экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистонда демократик янгиланиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар нуқтаи назаридан оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш масалалари, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятида халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларни имплементация қилишни таъминлашнинг долзарб муаммолари, фикрни эркин ифода этиш, ахборотдан фойдаланиш, Интернетни тартибга солишни таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда демократик жамиятда ахборот соҳасини ривожлантиришнинг бошқа муаммоларига оид масалалар муҳокама этилди.

Семинар иштирокчилари сўз эркинлиги, фикрни эркин ифода этиш — бу инсоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро пакти, ЕХҲТнинг Инсон ҳаётига оид меъёрлар бўйича ҳужжатларида белгиланган асосий ҳуқуқлари эканини таъкидладилар. Амалда ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, рўй бераётган воқеалар юзасидан нуқтаи назари ва муносабатини эркин ифода эта оладиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштироки ҳақида гапириш қийин.

Муҳокама ва мунозаралар давомида жаҳон амалиётида қўлланилаётган энг юксак демократик стандартларни ўзи учун мезон сифатида белгилаб олган Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш жараёни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тизимли, босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётгани қайд этилди. Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг самарали меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди, уларнинг моддий-техника базаси, иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланмоқда. Нодавлат оммавий ахборот воситалари, уларнинг ассоциация ва бирлашмалари фаолияти кенг кўламда ривожланмоқда. Бугун Ўзбекистонда турли шаклдаги мингдан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда.

Семинар иштирокчилари ушбу соҳадаги мавжуд объектив қийинчилик ва муаммолар, шунингдек, камчиликларни ҳам қайд этдилар. Журналистика ишининг замонавий услублари ва шаклларини пухта биладиган, мамлакатнинг бугунги ҳаётини дадил, кенг ва ҳар томонлама ёритиш, одамлар онгу шуурида демократик қадриятларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга фаол таъсир кўрсатишга қодир журналист кадрларни тайёрлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш талаб этилишини таъкидладилар. Оммавий ахборот воситалари билан марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мулоқотни янада ривожлантириш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур.

Анжуманда Ўзбекистон ва Европанинг ривожланган мамлакатлари журналистлари, экспертларининг ижодий ҳамда амалий алоқаларини янада ривожлантириш, ушбу жараёнда олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирокида мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар каби мулоқот шаклларидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Хорижлик меҳмонлар халқаро семинар дастури доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда «Uzbekistan Today» газетаси таҳририяти фаолияти билан танишдилар. У ерда нодавлат теле ва радиоканаллар тармоғи журналистлари иштирокида давра суҳбати, Ўзбекистон мустақил ахборот агентликлари ва босма оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат бўлиб ўтди.

«Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш — жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили» мавзуидаги халқаро семинар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги мулоқот доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

(ЎзА)

✓ Фаоллар ташаббуси билан

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши ташаббуси билан Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда фарзандларимизни баркамол қилиб тарбиялашда катта фидойилик кўрсатаётган устозлар меҳнати эътироф этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Бойназар Юсупов, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шойимқулов ва бошқалар давлатимиз томонидан ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатига кўрсатилаётган моддий ва маънавий ғамхўрлик, уларнинг меҳнати туфайли ўтган 17 йил ичида эркин фикрлайдиган янги авлод етишиб чиқаётгани ҳақида тўхталдилар. Таълим тизимидаги ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Жумладан, бугунги ёшлар жаҳон андозаларига мос шарт-шароитларда таълим олмоқда. Уларнинг етук билим олиб, вояга етишиши учун имкониятлар етарли. Устозлар ёш авлодга ана шу имкониятлардан тўғри фойдаланишни, жамиятда ўз ўрнини топишни, катта ҳаёт остонасига маърифатли инсон сифатида қадам қўйишни ўргатадилар.

Тадбирда кўп йиллик самарали меҳнати учун коллежнинг бир қатор устоз ва мураббийлари эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

— Коллежимизда икки ярим мингга яқин талаба таҳсил олади. Уларга заҳматкаш устозлар, фан номзодлари, халқ таълими аълочилари, фахрий автомобилчилар таълим беришади. Бугунги тадбир устозларимизнинг заҳматли меҳнатлари нафақат давлат, балки кенг жамоатчилик томонидан ҳам муносиб баҳоланаётганининг ёрқин ифодасидир, — дейди коллеж директорининг маънавий ва маърифий ишлари бўйича ўринбосари Дилфуза Расулова. — Бизнинг коллежимизда 47 нафар ЎзХДП азоси фаолият юритади. Мана, бугун 8 нафар устозлар ЎзХДП сафига қабул қилинди.

Тадбир сўнггида коллежнинг «Карвон» фольклор гуруҳи аъзоларининг чиқиши барчани хушнуд қилди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА

●●●

Жиззах шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабида ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши томонидан байрам тадбири ташкил этилди. Унда ЎзХДП Жиззах вилоят, шаҳар, туман кенгашлари раислари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, фаол ўқитувчилар иштирок этдилар.

Суҳбат давомида бугун мамлакатимизда соғлом ва баркамол, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганига эътибор қаратилди. Бу машаққатли ва шарафли вазифани амалга оширишда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёс экани алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Парда Йўлдошев таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар, ислоҳот ва янгиланишлар, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг бажарилишида Ўзбекистон ХДП фаоллари, депутатлик тузилмаларининг иштироки ҳақида гапириб берди. Сўзга чиққанлар, шунингдек, ёш авлоднинг фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда партия ташкилотларининг халқ таълими муассасалари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, ёшлар қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора авж олаётган бугунги мураккаб даврда бузғунчи кучларга қарши кураш қўнникмаларини шакллантириш борасида тўхталиб ўтдилар.

— Ёш авлодни Ватанимизнинг содиқ фарзандлари, келажак бунёдкорлари этиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси учун бугун устоз-мураббийлар муносиб тақдирланмоқда. Бу йилги байрам мен учун алоҳида аҳамиятга эга. «Халқ таълими аълочиси» унвонига муносиб кўрилганим мени янада руҳлантирди, — деди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Зулхумор Соибназарова.

Давра суҳбати жараёнида ЎзХДПга аъзо бўлган 10 нафар ёш ўқитувчига партияга аъзолик гувоҳномалари тантанали топширилди. Бир гуруҳ устозлар фахрий ёрлиқлар ва байрам совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

●●●

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган 596-мактабгача таълим муассасасида ХДП туман кенгаши фаоллари иштирокида мураббийлар байрами кенг нишонланди.

Озода БУЗРУККЎЖАЕВА, ХДП Ҳамза туман кенгаши раиси ўринбосари:

— Байрамлар жамоатчилик орасига кириб бориш, тарғибот ишларимизнинг самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Биргина мисол, аввал мазкур таълим муассасасининг 15 нафар ходими партиямиз аъзоси эди. Бу борада олиб борган ишларимиз натижасида яна 12 нафар мураббийларга бугун партия гувоҳномаларини топширдик.

Гули АЗИЗОВА, мактабгача таълим муассасаси мудираси:

— Нафақат касб байрамимиз, балки бошқа тадбирлар орқали ҳам ХДП туман кенгаши билан ҳамкорликни мустаҳкамлаяпмиз. Натижада муассасамизда партия аъзолари, фаоллари ва хайрихоҳлари кўпайиб бораётир. Ҳатто болаларимиз ҳам фаолларни ўз мураббийлари каби яхши кўриб қолишган.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

МЕН КЎЗЛАГАН МАҚСАД

ва ўйлаб юрган фикрларим Ўзбекистон ХДП Дастурида акс этган, — дейди Тошлоқ тумани «Бирлик» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори Шаҳноза Усмонова

Ўтиб бораётган йилнинг ортда қолган ойлари давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари сони Фарғона вилоятида 3741 нафар ёки 12 фоизга кўпайди. Қувонарлиси шундаки, сиёсий партиялар дастурларини чуқур ўрганиб, сўнгра айнан ХДПни танлаган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Куни кеча Тошлоқ туман марказий шифохонасидаги бошланғич партия ташкилоти сафига яна 4 нафар йигит-қиз қўшилди.

Тумандаги сил касалликлари диспансерининг бош шифокори Собиржон Каримов бир неча йилдан буён ХДП бошланғич ташкилотининг раиси. Унинг ташаббуси билан жамоа ва туман аҳолиси ижтимоий ҳимояси борасида амалий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

— Кам таъминланган оилалар, боқувчисидан айрилган қариялар, ҳаёт йўлига эндигина кириб келаётган ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлашга мавжуд барча имкониятларни жалб этиш бош вазифаларимиздан бири, — дейди у. — ХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси билан мустаҳкам алоқада. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида 32 нафар доимий тингловчиси бўлган сиёсий ўқув мактабини ташкил этди. Байрамларда муносибларни ҳомийлар кўмагида тақдирлаш йўлга қўйилди.

Бошланғич ташкилот етакчиси ўз ташаббуслари, саъй-ҳаракати туфайли жамоа аъзоларини ортидан эргаштира олди. Бугун марказий шифохона ва унинг тизимидаги муассасалар бўйича 424 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич партия ташкилотига ёшлар ишонч билан мурожаат қилмоқдалар. Болалар шифокори Воҳиджон Тешабоев, марказий поликлиника терапевти Гулзода Низомова, қишлоқ врачлик пункти шифокорлари Шаҳноза Усмонова ва Муҳаммадрўзи Ҳалилов ўзларининг сиёсий қарашлари ХДП Дастурида белгиланган мақсадлар билан ҳамоҳанг экани сабабли улар шу партияга аъзо бўлишга қарор қилдилар.

— Қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлаётганимга эндигина бир йил бўлди, — дейди Ш.Усмонова. — Лекин шу қисқа вақтда аҳолининг кўп болали, ногирон, кам таъминланган қатламида малакали тиббий ёрдамга муҳтож оилалар борлигини кўрдим. Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларида эса аҳолига тўлақонли тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор вазифалар илгари сурилган экан. Бу мени ҳеч иккиланмай ХДП сафига киришга ундади.

— Биз партия аъзолари сонини кўпайтириш эмас, балки ташкилотларимиз таркибини сифат жиҳатдан яхшилашга эришишимиз лозим, — дейди ХДПдан туман Кенгаши депутати Муҳаббат Мирзаолимова. — Шундагина эзгу мақсадларимизга тезроқ эришамиз.

Қишлоқ врачлик пункти мудири М.Мирзаолимова Яккатут қишлоғидаги Фурқат номли кўчага тоза ичимлик суви қувурлари уланмаганлигини ўрганиб, ушбу масалани туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида ХДП депутатлик гуруҳи номидан олиб чиқди ҳамда муаммони ҳал этишнинг ташкилий, молиявий ечимларини таклиф қилди. Тез кунда Фурқат кўчасига мутахассислар келиб тоза ичимлик суви қувурларини тортиш лойиҳасига киришдилар. Бу воқеадан сўнг Халқ демократик партияси ва ундан сайланган депутатларга аҳоли ўртасида ишонч янада ортди. Партиянинг ҳар бир аъзоси ана шундай ибратли ишлари билан партиянинг фаол тарғиботчиси эканини амалда кўрсатмоқда.

Вилоятда, туманда Ўзбекистон ХДП сафи кундан-кун кенгайиб бораётгани сабабларидан бири ҳам шунда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

✓ Хушхабарлар

ҚВПларига «ДАМАС-АМБУЛАНС»

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини ислоҳ қилиш жараёнини чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарори Наманган вилоятида изчил амалга оширилмоқда. Қарор асосида мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар, зарур жиҳозлар билан таъминланаяпти. Яқинда «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида Тўрақўрғон, Чортоқ, Уйчи, Янгиқўрғон, Косонсой, Наманган, Норин, Мингбулоқ туманларидаги 9 та қишлоқ врачлик пунктларига «Дамас-амбуланс» автомашинаси ажратилди.

Айни кунларда вилоятнинг қатор қишлоқ участка шифохоналарини мобил телефон алоқаси билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

КОЛЛЕЖ
фойдаланишга топширилди

Яқинда Бухоро туманида саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. 270 нафар ўғил-қиз мазкур илм масканида ўнга яқин мутахассислик бўйича таълим-тарбия олишлари мумкин.

— Коллежимизнинг лойиҳа қиймати 2 млрд. 168 млн. сўм этиб белгиланган эди, — дейди коллеж директори Ҳамза Иброҳимов. — «47-кўчма механизациялашган жамланма» МЧЖ бунёдкорлари коллежимизни сифатли, замон талаблари даражасида қуриб беришди.

Даврон БАҲРОНОВ

ЯНГИ АВТОУЛОВЛАР

Шаҳрисабз-Китоб шаҳарлари ўртасида тўқ сариқ рангли янги автобуслар пайдо бўлди. Эндиликда Шаҳрисабзда 300 мингга яқин, Китоб туманида 187 мингдан ошиқ аҳоли бу автоуловлар хизматидан баҳраманд бўлаётир. Автобуслар «Ўзавтосаноатлизинг» компанияси кўмагида олинди.

Юнус УЗОҚОВ

ОБАМАНИ ЁҚЛАБ ЧИҚДИ

Американинг «The New Yorker» журнали демократик партиядан президентликка номзод Барак Обамани қўллаб-қувватлаб чиқди. «Сайлов» сарлавҳали таҳририятнинг кенгайтирилган мақоласи журналнинг 13 октябрь сонида чоп этилади. Нашр сайтида берилган ушбу мақолада келаси йил бошида Оқ уйдан кетадиган президент Жорж Буш ва унинг партиядоши — номзод Жон Маккейн кескин танқид қилинган. Мақола муаллифларининг фикрича, америкаликларнинг кўпчилиги амалдаги президент ҳокимияти «мамлакат ва унинг энг юксак мақсадларини қўпормоқда», деб ҳисоблаяпти. Журнал Обамани мавжуд жаҳон муаммоларини ва Америка олдидаги қийинчиликларни ҳал этишга қурби етадиган етакчи, деб атаган. Шуни айтиш керакки, 1920-йиллардан буён чиқаётган «The New Yorker» журнали наинки Нью-Йорк-Ситининг ўзида, балки мамлакатнинг бошқа жойларида ҳам катта нуфузга эга нашр ҳисобланади. 2004 йилда нашр илк бор президентликка номзодлардан бири — демократ Жон Керрини ёқлаб чиққанди.

ЯНГИ САЙЁҲЛИК МАРКАЗИ

Таннархи 6 миллиард доллар бўлган дунёдаги энг йирик денгиз курорти Тинч океани бўйида қурилади, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Бу ҳақда Мексика президенти Фелипе Кальдерон халқаро туризм кунида маълум қилди. Унинг айтишича, курортнинг қаерда жойлашиши ҳали аниқ эмас. Гоя муаллифларининг режаларига кўра, янги дам олиш манзили айни вақтда энг машҳур бўлган Канкун (Юкатан ороли) сайёҳлик марказини ортда қолдириши керак. Президент хорижий ва маҳаллий сармоядорларни курорт лойиҳасига жалб этиб, келажакда бу маскан катта даромад келтиришини ваъда қилди.

Сайёҳлик Мексика иқтисодиётининг энг ривожланган соҳаси ҳисобланади. Шу йил январь ойидан июль ойига қадар мамлакат сайёҳлик туфайли 7 миллиард доллар соф фойда олган.

ВЕРТОЛЁТ-ТАКСИ

Москвада илк бор вертолёт-такси хизмати ишга тушди, деб хабар беради РИА Новости. Вертолёт Внуково аэропортидан бошқа тайёрагоҳлар ва узоқ бўлмаган шаҳарларга рейс қатновини уюштиради.



Парвозлар беш йўловчига мўлжалланган икки двигателли EUROCOPTER вертолётларида амалга оширилади. Вертолёт-такси орқали Нижний Новгородга икки соат, Владимирга бир соат, Калугага 41 дақиқада етиб бориш мумкин.

ВОДОРОД ПЕЧЛАР ЯРАТИЛАДИ

Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги мамлакатнинг «Ниппон стил» ва «Жэй-Эф-И» металлургия компаниялари билан ҳамкорликда водород билан ишлайдиган печлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.

Маълумотларга кўра, ушбу янги ускуна ҳавога чиқариладиган заҳарли газлар миқдорини ўттиз фоизга камайтиради. Айни вақтда мамлакатда иситиш мосламалари тайёрлашда асосан коксдан фойдаланилмоқда. Мутахассислар уларни янги печлар билан алмаштириш учун ўн йил вақт ва 25 миллиард иена (220 миллион АҚШ доллари) миқдорида маблағ сарфланишини таъкидламоқда.

ТАНГЛИК ТУФАЙЛИ...

АҚШдан Мексикага маблағларнинг хусусий ўтказмалари августда аввалги ойга нисбатан 12 фоизга тушиб кетган. Айтиш керакки, бундай пасайиш ҳозирга қадар кузатилмаган эди. BBC Newsнинг хабарига кўра, Америка иқтисодиёти ўсиш суръатларининг секинлашуви боис АҚШда ишлаётган мексикаликларнинг ватанига пул юборишлари камайган. Ҳолбуки уларнинг пул жўнатмалари Мексика даромадининг нефть экспортидан кейинги асосий манбаи ҳисобланади. Бундай жўнатмаларнинг ҳар йилги ҳажми салкам 300 миллиард долларни ташкил этади. Мексикалик мухожирларнинг 20 фоиздан ортиғи қурилишда ишламоқда, АҚШда ипотека танглиги боис ушбу соҳа мушкул даврни бошидан кечираяпти. Сўнгги бир ярим йил ичида уй-жой баҳоси ҳам, кўчмас мулк сотуви ҳажми ҳам пасайиб бормоқда. Иқтисодий муаммолардан ташқари, АҚШнинг мухожирларга нисбатан сиёсатни ўзгартираётганлиги ҳам мексикаликларнинг аҳволини оғирлаштирмоқда, деб таъкидлайди нашр.

ЭНГ ҚАДИМИЙ ҚОЯ АНИҚЛАНДИ

Австралиянинг «Мельбурн» университети олимлари Яшил қитъа ҳудудида энг қадимий қоянинг аниқладилар. Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, мазкур қоянинг ёши олти юз эллик миллион йилга тенг. «Уднаминта» деб номланган ушбу қоянинг баландлиги бир минг бир юз метрни ташкил қилади.

Тадқиқотчи-олим Малколм Уоллэснинг сўзларига кўра, қоя кўздан кечирилганда, унда ҳали фанда аниқланмаган кўп ҳужайрали организмлар топилган.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, «Уднаминта» ёш жиҳатдан Канадада мавжуд қоялар билан беллаша олиши мумкин. Уларнинг ёши саккиз юз миллион йилдан ошади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб, (калити билан) фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Қурилиш муддати
1	2	3
1	Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Чархин қишлоғида «Саноат» йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	11 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй,
телефон: (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва қўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона,
факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 16.00 да*** Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АМУ-СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги объектлар бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 6-1. Қизириқ тумани «К-1 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 52,836 млн. сўм, муддати — 90 кун.

Лот 6-2. Ангор тумани «Учқизил зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-2 босқич ишларини амалга ошириш
Бошланғич нархи — 39,645 млн. сўм, муддати — 90 кун.

Лот 6-3. Туманлараро (Музработ, Шеробод туманлари) «К-4 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» 4-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 93,723 млн. сўм, муддати — 195 кун.

Лот 6-4. Туманлараро (Музработ, Шеробод туманлари) «К-3 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» 4-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 41,343 млн. сўм, муддати — 60 кун.

Лот 6-5. Денов тумани «Андижонсой зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 74,228 млн. сўм, муддати — 135 кун.

Лот 6-6. Жарқўрғон тумани «Ҳайитобод зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 68,488 млн. сўм, муддати — 105 кун.

Буюртмачи: *Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.*

Манзили: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй.
Тел/факс: (8-376) 222-86-38, 222-65-51, 223-67-00.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш — Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: ***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.***

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва Чиноз туман кенгашлари Чиноз туман партия ташкилоти Тафтиш комиссияси раиси **Мирсултон МИРЁҚУБОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши жамоаси ташкилотнинг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Исмоил Ғафуровга укаси **Зоҳир ҒАФУРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририяти жамоаси газета мухбири Мирбахтиёр Мирфайзиевга отаси **МИРСОДИҚ ота**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририяти жамоаси газета мухбири Равшан Шодиевга отаси **ОМОН ота**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

✓ Ибратли тадбир

ЁШ КЕЛИН-КУЁВЛАР УЧУН

Мамлакатимиз Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳрида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мана, бир неча йилдирки, шаҳар ҳокимлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан **«Оила — муқаддас Ватан»** тадбири ўтказилиб келинмоқда. Унга кўра, ёш келин-куёвлар Самарқанд шаҳри ва Зангиота туманидаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, Бўстонликдаги «Чорвоқ» оромгоҳида мароқли дам олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Бу йил ҳам тадбир ташкилотчилари янги келин-куёвлар учун ажойиб тухфа тайёрладилар. Эрталаб 150 жуфт (жами 300 киши) ёш келин-куёвлар Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Сўнгра мамлакатимизнинг энг хушманзара дам олиш оромгоҳларидан бири бўлмиш «Чорвоқ» оромгоҳига 2 кунлик саёҳат уюштирилди. Тадбир давомида оила масъулияти, эр-хотин, қайнона-келин муносабатлари, оила бюджети, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятга бағишланган мавзуларда суҳбатлар, тренинглар, викториналар, савол-жавоблар, шоу-дастурлари ўтказилди. Унда ҳуқуқшунослар, психолог олимлар, маҳаллалар фаоллари, диниймаърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди. Энг фаол иштирокчилар ҳомийлар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бу хайрли тадбирга бошқош бўлган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш бошқармалари, қолаверса, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига ёш келин-куёвлар ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Спорт

ТОШКЕНТ – ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Бугун пойтахтимизда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати баҳсларига старт берилади

Мамлакатимизда илк маротаба ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси иштирок этмоқда. Қурғага кўра, иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритишади. Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «А» гуруҳидан жой олган. Футболчиларимиз кейинги босқичга бериладиган икки йўлланмадан бирини қўлга киритиш учун Эрон, Сингапур ҳамда Баҳрайн вакиллари билан куч синашадилар.

Мусобақанинг қолган гуруҳлари эса қуйидагича:

«В» гуруҳи. *Сурия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Индонезия.*

«С» гуруҳи. *Хитой, Саудия Арабистони, Австралия, Туркманистон.*

«Д» гуруҳи. *Япония, Яман, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия.*

18 октябрга қадар давом этадиган қитъа чемпионати учрашувлари пойтахтимиздаги МҲСК ҳамда «Пахтакор» Марказий стадионларида бўлиб ўтади. Роберт Гай шогирдлари илк учрашувни бугун Сингапур ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказадилар. Вакилларимиз 6 октябрь куни Эрон, 8 октябрда эса Баҳрайн футболчиларига қарши майдонга тушишади.

✓ Мустақиллик тенгдошлари

ОРЗУЛАР ҚАНОТИ

деновлик ёш дизайнер Дилноза Бўриева ўзи тиккан бежирим ва кўркам либосларни дунёга кўз-кўз қилмоқчи

Қадим тарихдан сўзлагувчи сўзана ва кашталаримиз, минг жилоли дўппию ранг-баранг либосларимиз азал-азалдан дунё халқларини мафтун этиб келган. Истиқлол шарофати билан момоларимиздан мерос бўлиб қолган азалий анъаналаримиз қадр топиб, ўзгача гўзаллик бахш этмоқда. Бу борада ҳар бир воҳанинг ўзига хос мактаби яратилдики, бундай ўлмас қадриятларни тиклаш ва уларни асраб-авайлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар қувонарли. Айниқса, қўли гул зардўзларимизнинг қалб қўри, кўз нури билан яратилаётган сержило либослар хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда. Бу нозик ҳунар сир-асрорларини алоҳида меҳр-муҳаббат билан эгаллашга интилаётган деновлик Дилноза Бўриева ҳақида сўз кетса, унинг устозлари ҳам, дугоналари ҳам фахрланиб сўзлашади.

— Ёшликда олинган билим, тошга ўйилган нақшдир, — дейди унинг онаси Дилшода Бўриева. — Қизим 1-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ дизайнер бўлишни орзу қиларди. Турли расмлар чизиш, либослардан нусха олишга қизиқарди. Кишида изланиш, интилиш бўлса, албатта, мақсадига эришаркан. Орзуси сари интилган Дилноза 9-синфни битиргунга қадар 200 дан ортиқ либосни ўзи тикадиган бўлди. У тайёрлаган бежирим, бир-биридан гўзал кийимларни кўриб, дунёга сиғмасдим...

Ҳозир ёш истеъдод соҳибаси Термиз давлат университети қошидаги 3-сон Денов академик лицейининг 2-босқичида таҳсил олиш билан бирга, ўзи севган касб сирларини ҳам пухта эгалламоқда.

— Мен чинакамига мустақиллик фарзандиман, бу буюк бахт боис бизларга кенг имкониятлар яратилди, — дейди Дилноза Бўриева. — Бу юксак шараф ва ўзига хос масъулият ҳамдир. Шу юрт, шу Ватан учун фидо бўлмоқ ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Айниқса, Президентимизнинг 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилганликлари бизларни янада руҳлантириб юборди.

Келажакда моҳир дизайнер бўлиш иштиёқида ҳунар ўрганаётган Дилнозанинг орзулари бир дунё. У миллий меросимизни жаҳонга кўз-кўз қилиш ниятида бетакрор атласу турфа адраслардан либослар яратаётир.

— Мустақиллик тенгдоши бўлмиш ёш истеъдод соҳибаси Дилнозахондан умидимиз катта, — дейди лицей ўқитувчиси Қундузой Отамуродова. — У инглиз, рус, тожик тилларини яхши билади. Араб, форс тилларини мустақил ўрганмоқда. Бундан ташқари, расм чизишга ҳам иштиёқи баланд. Қадриятларимиз жо бўлган миллий қўғирчоқларни ясаш эса унинг жону дили. 2007 йилда мамлакатимизда ўтказилган «Моҳир қўллар» кўрик-танловида шогирдимиз фахрли ўринлардан бирига лойиқ кўрилди.

— Ниятим ҳассос шоирамиз Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлиш — дейди ҳаяжон ила қаҳрамонимиз. — Биламан, бу шарафли номга эришиш осонмас. Лекин бизлар учун шундай имконият яратилиб, эътибор-ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, бу ишончни оқлашимиз керак. Насиб этса, мен халқимизнинг бой маънавий мероси, азалий қадрият-анъаналарини ўзига жо этган асл ҳунармандчилигимиз намуналари бўлган миллий услубда тикилган либосу кашталарим билан дунёга чиқаман!..

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: ёш дизайнер Дилноза Бўриева.
Муҳаммади ЖУМАЕВ олган сурат.

✓ Китобхонлик

Ҳар йили сентябрь ойининг охирги ўн кунлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий «Мутолаа байрами» ўтказилади.

МУТОЛААА БАЙРАМИ

Бу йилги тадбир 22 сентябрь куни бошланди. Дастлаб китобсеварлар билан ёш шоир ва ёзувчиларнинг учрашуви уюштирилди. Шундан кейин китоб кўргазмаси очилди ва иштирокчилар кутубхона бўйлаб экскурсия қилиб, иш жараёни билан танишдилар.

Кейинги кунларда мутолаа маданияти масалалари бўйича интеллектуал тренинг ўтказилди, кўплаб янги китобларнинг тақдимотлари, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ва бошқа қизиқарли тадбирлар ташкил этилди. Хориж тажрибаси асосида яратилган «Китобхонларга масофадан хизмат кўрсатишнинг автоматлаштирилган тизими» намойиш қилинди. 30 сентябрь куни эса тадбирнинг расмий ёпилиш маросими ўтказилди ва фаол иштирокчилар тақдирланди.

Темур АЪЗАМ

УСТОЗЛАР ШАРАФЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни кенг нишонланди. Жумладан, Нукус шаҳрида Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сон академик лицейида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқитувчилари, фахрий устозлар иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ҳозир Қорақалпоғистонда 89 та касб-ҳунар коллежи, 7 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда салкам 8000 нафар ўқитувчи-мураббий ёшларга таълим-тарбия беришади.

Тадбирда устозларга ҳурмат кўрсатилди ва уларга лицей бадиий ҳаваскорлик жамоаси ўз концерт дастурини тақдим этди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОШ СОВРИН КИМГА НАСИБ ҚИЛАДИ?

Теннис бўйича аёллар ўртасида ўтказилаётган «Тошкент опен» анъанавий халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди. Мукофот жамғармаси 145 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур мусобақада бир йўла беш нафар теннисчимиз якка-лик баҳсларига киришган эди. Жумладан, мутахассислар турнирда Оқгул Омонмуродова, Влада Екшибарова сингари маҳоратли ракеткачилар билан бир қаторда, Дилёра Саидхўжаева, Нигина Абдураимова, Алиса Огородова каби умидли теннисчиларга ишонч билдиришганди. Аммо бу йилги баҳсларга сайёрамизнинг бир қатор номдор спортчиларининг ташриф буюрганлиги боис, «Тошкент опен» ҳамюртларимиз учун фақат тажриба мактаби вазифасини ўтади, холос.

Кўпчилик мусобақа олдидан Осиё чемпиони ва Пекин олимпиадаси иштирокчиси Оқгул Омонмуродованинг имкониятларини юқори баҳолаган эди. Бироқ ҳамюртимиз дастлабки босқичда польшалик Урсула Радваньскага икки сетда ҳам ютқазиб қўйди. Влада Екшибарова эса голландиялик Аранта Русга имкониятни бой берди.

Кеча мусобақанинг чорак финал учрашувлари ниҳоясига етди.

Эркин ХОЛБОБО

Қонунсиз ҳаракат

АЁҚШДАГИ ЯШИРИН ЦЕХ

ёки қўлбола ёғ тайёрловчилар ва ҳужжатсиз ун сотаётганлар хусусида

Мамлакатимизда амал қилаётган қонунчилик асосида қанчадан-қанча тадбиркор, ишбилармонлар ўзлари ишлаб чиқараётган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан бозорларимизни тўлдираяпти, эл дастурхонини тўкин қилмоқда. Аммо Бешариқ туманидаги Кулол қишлоғида яшовчи Салоҳиддин Умаров бошқача йўл тутди. У оператор бўлиб ишлайдиган АЁҚШ биноси хоналарининг бирида қўлбола усулда тайёрланган ускунада чигитдан олинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Кўза кунда эмас, кунида синади, деганлари рост бўлиб чиқди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари яширинча цехни фош қилганларида бу ерда 2837 кг. чигит, 651 кг. кунжара, 10 кг. ёғ маҳсулоти борлиги аниқланди.

Ўзбекистон тумани Конизар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Ҳалимжон Ҳошимов, Яйпан шаҳарчаси Коинот кўчаси 19-уйда яшовчи Мақсудахон Аббосхоновалар ҳам уйида чигитдан ёғ сиқиб олувчи ясама дастгоҳни ишлатиб келганлар. М.Аббосхонова хонадонидан сотувга тайёрлаб қўйилган 160 литр қўлбола усулда ишлаб чиқарилган ёғ, 25 дона 5,5 квт. қувватли ёғ ишлаб чиқарувчи электрдвигателлар далилий ашё сифатида олинди.

Бундай усулда ишлаб чиқарилган ёғ сифат кўрсатгичлари жиҳатдан истеъмолга яроқсиздир. Аввало ҳеч қандай тозалик меъёрларига риоя қилинмаган. Энг ёмони, ёғ таркиби заҳарли моддалардан тозаланмасдан идишларга қуйилиб, хуфя йўллар билан сотувга чиқарилган. Бу кишилар ўз қилмишлари орқали эл саломатлигига хавф солганликларини ҳам унутмаслик керак.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Аслида пахтани қайта ишлаш заводларида тозаланиб сақланадиган, кейинчалик ёғ-мой комбинатларига жўнатиладиган тоннатонна чигит қандай қилиб улар қўлига тушиб қолаяпти? Демак, истеъмолга яроқсиз ёғ ишлаб чиқарувчилар ёлғиз эмас, уларнинг таъминотчилари ҳам бор. Ҳозир бўлинмамиз уларни ҳам аниқлаш устида иш олиб бораяпти.

Яна бир тоифа олғирлар борки, улар бирни санамай саккиз қилишга устаси фаранг ҳисобланишади. Фарғона шаҳар, Шодиева кўчаси, 209 уйда жойлашган «Барно» хусусий фирмаси савдо шохобчаси раҳбари Миркомил Юлчиев «Фарғонадонмаҳсулотлари» АЖда ишлаб чиқарилган, ҳар бири 45 кг. бўлган 1-навли икки қоп унни 84 минг сўмга пуллаганда ушланди. Текшириш чоғида савдо дўконида кирим ҳужжатисиз 7920 кг. ун борлиги аниқланди. Ҳолбуки, «Барно» хусусий фирмаси Фарғона шаҳар ҳокимлигининг 2008 йил 25 июль қарорига кўра, ун маҳсулотини сотиш дислокациясидан чиқариб ташланган. Аммо икки ярим баробар оширилган нархда сотилаётган унларга «Фарғонадонмаҳсулоти» АЖ 2008 йил 12 августда ишлаб чиқарган» деган ёрлиқ қўйилганига нима дейсиз?

Марғилон шаҳар М.Умаров кўчасида жойлашган «Ҳилол» фирмаси омборхонасида ҳам ҳеч қандай ҳужжатларсиз «Қўқондонмаҳсулотлари» АЖда ишлаб чиқарилган 127 қоп ун борлиги аниқланди. Энди фирма раҳбари Қобилжон Шомирзаев бу унлар қаердан, қандай келиб қолгани ҳақида кўрсатма бермоқда. Савдо шохобчаларида ун тақчиллигини келтириб чиқариш ва маҳсулот нархини сунъий равишда оширишга уринаётган бундай товламачилар албатта қилмишларига яраша жазосини олади. Лекин бу нарса ҳаммамиздан куюнчакликни, ён-атрофимизда рўй бераётган ноқонуний ҳолатларга кўз юммасдан, эътиборда бўлишимизни талаб қилади. Зеро, қонунсиз ҳаракатларга қанчалик муросасиз бўлсак, ноқонуний қилмишлар шунчалик камаяди, барҳам топади.

Баҳодир АҲМЕДОВ,
Фарғона вилояти ИИБ коррупция, товламачилик ва рэкетга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 00.30
Topshirilgan vaqti — 01.30
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda